

Махмуд ҲАСАНИЙ

**"ДИЛКУШО"
Б О Ё И**

Андижон-2006

МАХДУМ ВОСИЛИЙ НОМИДАГИ “МАЪНАВИЙ МЕРОС МАРКАЗИ”

Кўлингиздаги шеърий рисолада Андижон вилоятининг Марҳамат туманида яшаб, кўп йиллар муаллимлик қилиб, ёш авлодни тарбиялаган, кейин эса қакраб ётган қир-адирга сув чиқариб, “Дилқуло” боғини барпо қилган Кўпайсин ҳожи Шокир ўғлининг мардонавор меҳнати ҳақида ҳикоя қилинади.

Масъул муҳаррир -Ўзбекистон тарихчилар жамияти
Андижон вилоят бўлими раиси, профессор

Сайфиддин ҳожи ЖАЛИЛОВ

© Махмуд ҲАСАНИЙ, 2006.

МУҲАРРИРДАН

Таниқли олим Маҳмуд Ҳасаний мозийда ўтган машҳур табибларнинг турли дардларга қарши қўлаган муолажа услублари-ю, бу соҳада қолдирган илмий меросларини тарихимиз қатларидан кидириб топиб, замонамизга тухфа қилган катор асарлари билан элга танилди. Шу билан бирга у иқтидорли ғазалнавис шоир ҳамдир.

М. Ҳасаний Ўзбекистон ФА Шарқшунослик институти шарқ қўлғезмалари фонди мудир. Ўтмиш маданияти тарихига онд 90дан ортиқ китоб муаллифи, йирик манбашунос олим. Араб, форс ва туркий тиллар билимдони.

Маҳмуджон Андижон вилоятининг Марҳамат туманида яшаб ўтган катта ислоний олим Ҳасанжон Маҳдум (1898-1979) хонадониди таваллуд топган. Оталари фикҳ илмининг билағони сифатида ҳамда Восилий таҳаллусли ғазалнавис шоирлиги билан элга танилган эди. Ўшандай зотнинг зурёди бўлмиш Маҳмуджон Ҳасанов ўкишда фаннинг шарқшунослик йўналишини танлади ва XX асрнинг 80-йилларидан иқтидорли ёш олимлар каторида тилга олина бошланди. М. Ҳасаний, гарчи мамлакат Ёзувчилар уюшмасига аъзо бўлса ҳам илмий ишларига нисбатан шеърларини кунда эълон қилавермайди. Иқрор бўлишим керак, унинг шоирлиги менга давримизнинг атоқли манбашунос олимларидан Асомиддин Ўринбоевнинг 70 йиллик тўйига бағишлаб ёзилган «Айтиб бўлмас сир» номли 126 байтдан иборат ниҳоятда сермазмун, илмий ва бадий жиҳатдан юксак маснавий асари муносабати билан маълум бўлди. (1999й). 2004 йили унинг «Ҳазинадаги ўйлар» номли мўъжазгина рубойлар тўплами эълон қилинди. (Т. «Янги аср авлоди,» 2004, 9с 3). Бунда олим ўтмиш алломалари ҳамда замонамизнинг таниқли шарқшунос олим-

ларининг илмий фаолияти ва фанга қўшган ҳиссалари ҳақида мўъжаз рубойларида мушоҳада қилади.

«Даволардан чиққан садолар ёки 1001 тиббий хикмат» номли асарида эса (Т. «Янги аср авлоди» 200 б) Шарқда ўтган машҳур табибларнинг форс тилидаги табобатга оид насрий маслаҳатларини гўзал рубойлар воситаси-ла ўзбек тилига таржима қилиб берган. Шунингдек, олимнинг «Ғиждивонийга таъзимнома», «Қариялар-юрт файзи» каби шеърӣй рисоалари ҳам чоп этилган.

Қўлингиздаги «Дилкушо боғи» достони олим-шоирнинг навбатдаги бадий ижоди намунаси бўлиб, она юрти Марҳамат туманида яшовчи ажойиб инсон-боғбон Кўпайсин ҳожи Шокировнинг адирлик бағрида яратган мевазор боғи таърифига бағишланган. Кўпайсин ҳожининг касби ўқитувчи эди. Ўтган асрнинг 60-йиллари Андижон Давлат педагогика институти (ҳозирги университет) тарих факультетини сиртдан битириб, Марҳамат гидро мелиорация техникумида ишлади ва ўқитувчиликдан техникумнинг ёрдамчи хўжалик бўлими бошлиғи вазифасига тайинланди. Ўшандан бошлаб у деҳқончилик сирларини ўрганди.

Мустақиллик берган имкониятлардан фойдаланиб, хусусий фермер хўжалиғи ташкил қилди. Нафақага чиққач эса, тоғли адир бағрида 5 гектарли ажойиб мевали боғ яратди. Дарҳақиқат, боғ ўзининг лаззатли мевалари билан барчани ўзига ром қилади. Олим ва шоир Маҳмуд Ҳасаний меҳнат таътили вақтида ҳамюртининг ушбу боғига бир неча марта ташриф буюради. Маҳмуджон бир сафар келганида боғни улуғ соҳибқирон Амир Темур яратган «Боғи Дилкушо»га таққослади ва илҳоми жўшиб «Дилкушо боғи» номли ушбу дostonни яратди. Дostonни ўқиган ҳар бир киши ушбу боғнинг

маъноси-ю, ширин-шакар мевалари, табиати-ю, гўзаллиги ҳақида ўзига хос тасаввур пайдо қилади.

Яна шуни ҳам такъидлаш лозимки, Кўпайсин хожи ўзига ўхшаган бошқа саховатпеша кишилар билан бир қаторда, номи юқорида зикр қилинган Махмуд Восилӣ (Ҳасанхон Махдум) “Маънавий мерос маркази” нинг қурилишига ҳисса қўшишга ҳам бел боғлаган. Маълумки, Ҳасанхон Махдум ўз дўстлари шўрқиллоқлик мулла Мамаюсуф Эшон ва равоқлик мулла Аҳмад домлалар билан Бухорога бориб, Амир Олимхон даврида Мирараб мадраса сида таҳсил олган эдилар. Сўнг ўз юртларига қайтиб, фойдали ишлар билан шуғулланганлар.

Биз Кўпайсин хожига бундан буён ҳам хайрия ишларида муваффақиятлар ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Сайфиддин хожи Жалилов,
профессор

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм
МУНОЖОТ БА ДАРГОҲИ
ҚОЗИЙ УЛ-ҲОЖОТ¹

Эй “Кун”² дан оламини барпо қилган зот,
Барча фано бўлур, Сен эса ҳаёт.
Самовот уйлари тўзон бўлғуси,
Қаҳрингдан еру кўк ларзон бўлғуси.
Бировни қаҳрингдан хароб қилурсан,
Бировни раҳмингдан сероб қилурсан.
Раҳмон отинг Сенинг жонгадир дармон,
Қаҳхор отинг Сенинг кимгадир армон.
Хохласанг тоғларни боғлар қилурсан,
Хохласанг боғларни тоғлар қилурсан.
Хохласанг чўлларни қиладурсан гул,
Хохласанг гулзорни қиладурсан чўл.
Хохласанг тошлардан чиқаргайсан об,³
Хохласанг сувларни қилгайсан сароб.
Не қилсанг барчаси Сенинг қўлингда,
Сенга ҳамд айтурлар тоғу чўлингда.
Зикрингдан тилларни доим гўё⁴ қил,
Меҳрингдан Ўзингни доим жўё⁵ қил.
Ибодат лаззатин тотувчи қилгил,
Риёзат лойига ботувчи қилгил.
Аллоҳим, йўлингда айла хору хас⁶,
Факат бандам десанг шунинг ўзи бас.

НАЪТИ⁷ РАСУЛУЛЛОҲ (С.А.В.)

Қиёмат кунида шафоатхоҳим,
Маҳшаргоҳ ичида олий даргоҳим.

¹ Ҳоҷатларни раво қилувчи Аллоҳ даргоҳига муноҷот.

² Аллоҳ «Кун фалйакун» («Бўл деса, бас бўлади»). Куръон, Оли Имрон, 37 – оят.

³ Об – сув.

⁴ Гўё қилмоқ – таъйинлаш, таъинлаш.

⁵ Жўё қилмоқ – қидирувчи қилмоқ.

⁶ Хору хас – тикон ва хашак.

⁷ Наът – одатда Пайғамбарга айтиладиган мақтов сўзлари.

Нафсимиз кўлида ожиз бандамиз,
 Қайда гуноҳ бўлса бизлар андамиз.
 Ҳайтонни билдигу, камал қилмадик,
 Суннатни билдигу, амал қилмадик.
 Шариаз йулида топмадик камол,
 Тарикат бўлмади талабу савол.
 Олимлар хизматин бажо қилмадик,
 Аллоҳдан ҳеч хавфу ражо⁸ қилмадик.
 Хаётда изладик фақат молу ҳол,
 Бу азиз умримиз бўлди кўн увол.
 Сизмадик, қаридик, қари чол бўлдик,
 Қўл-оёқ қалтираб, гўё шол бўлдик.
 Энди умидимиз Сиз азиз зотдан,
 Кўзимиз эмилиб кетсак хаётдан.
 Шафоат тилаймиз, шафоат Сиздан,
 Фароғат тилаймиз, фароғат Сиздан.
 Қиёмат кунда тутинг қўлларни,
 Жаннатга рабона қилинг йўлларни.
 Шафоат шарбатин ичиргайсиз боз,
 Уммати, деб бизни айланг бениёз.

АЛҚОБИ ЧАҲОРҲИ ИЗОМ⁹

Ассалом, эй Сиз, чаҳорҳи изом,
 Сиз учун доим кўнгилда эхтиром.
 Эй Абубакру, Умар, Усмон. Алий,
 Аҳли суннат вал-жамоат сарҳалий.
 Сарвари оламини севган ёри Сиз,
 Аҳли муслимни яна дилдори Сиз.
 Сизгадир доим дуомиз субҳу шом,
 Тасдику икром қилурмиз, вассалом.

⁸ Хавфу ражо — қўрқинч ва умид.

⁹ Расулulloҳнинг тўртта улуғ дўстлари ҳақида.

ПИРИ РАВШАНЗАМИР МАХДУМ ВОСИЛИЙ ЗИКРИ¹⁰

Марҳаматда бор эди бир зоти пок,
Ҳақ таъоло ёди бирла бағри чок.
Шеърят ичра таҳаллус Восилий,
Илму ирфон бобида кўп ҳосилий.
Илму ҳолу илми коли¹¹ ёд эди,
Ёнида шогирдлари дилшод эди.
Мирараб таҳсилини айлаб тамом,
Марҳамат ичра муқийм эрди мудом.
Тасниф айлаб эрди неча зўр китоб,
Ҳар бири дил уйига хуршиди тоб¹².
Бири эрди “Шарҳи “Унвонул баён”¹³,
Таржима бирла луғат анда аён.
“Мажмаъ ул-адвия” си¹⁴ бордир яна,
Бемор аҳлига шифо ёрдир яна.
Бошқа таснифи ани “Қачқўл”¹⁵ эди,
Панду ҳикматга тўла бир кўл эди.
“Шарҳи Чил коф”у¹⁶ “Шарҳи
Ҳизб ул-бахр”¹⁷,

¹⁰ Махдум Восилий (Мулла Ҳасанхон Махдум ибн Мулла Муҳаммад Иброҳим ўғли, 1898–1979) Марҳаматда яшаб ижод этган олим, шоир, муаррих, мутасаввиф, тиб ва адабиёт ҳамда араб, форс, туркий тиллар билимдонии. У яшаб ўтган кўча ҳозирда унинг номига қўйилган. У яшаган ҳовлида «Маънавий мерос маркази» барпо қилинган.

¹¹ Илми ҳол ва илми қол — тасаввуф (авлиёлик) ва мадраса илмлари.

¹² Хуршиди тоб — нур сочувчи қуёш.

¹³ “Унвон ул—баён” (“Баёнлар мартабаси”) — араб тилида ёзилган ҳикматлар. Шарҳда кенг тарқалган. Восилий уни таржима ва шарҳ қилган.

¹⁴ «Мажмаъ ул—адвия» («Даволар мажмуаси») — Восилийнинг табобатга оид асари.

¹⁵ Қачқўл — нарса солинадиган идиш номи. Шарҳда турли хил маълумотларни ўз ичигаладиган асарга нисбатан ишлатилади.

¹⁶ Чил Коф («Қирқта Коф ҳарфи») — Абдуқодир Жилонийнинг шу номдаги асари. Восилий уни ҳам таржима ва шарҳ қилган.

¹⁷ Ҳизб ул—бахр («Дуолар денгизи») — Абул Ҳасан Шозалийнинг шу номдаги асари. Восилий уни ҳам таржима ва шарҳ қилган.

Дурри маъно бобида гўё нахр.
Бундан ўзга ёздилар канча китоб,¹⁸
Хар бири қалб уйига Хуршиди тоб.
Авлиёлик бобида бекам эди,
Хусни хулқи доимо кўркам эди.
Марҳамат аҳлига эрди бир қуёш,¹⁹
Кеча-кундуз элга айлаб нурфош.¹⁹

КЎПАЙСИН ҲОЖИНИНГ ВОСИЛИЙ БИЛАН МУЛОҚОТИ

Ул Кўпайсин Ҳожиким, оқил эди,
Ушбу сўзларга ўзи ноқил²⁰ эди.
Олтишу тўрт эрди йилким, Андижон -
Ичра озод бўлди дарсларда чун он.
Тарих илмига муаллим бўлди у,
Дарс айтиб, маънога қалби тўлди у.
Мактаб ичра ишлади, устоз эди,
Илмига мохиру, хулқи соз эди.
Бир кун кўнглига тушди бир тугун,
Бу тугунни ёзса деб устод бугун.
Восилий даргоҳига азм айлади,
Арзини айтмоқ учун жазм айлади.



¹⁸ Маҳдум Восилийнинг ёзган асарлари ва унинг тўлиқ таржимаи ҳоли "Марҳамат илҳомлари" ҳамда "Исмидур Обиравон" номли китобларда ёён қилинган (Тошкент, 2003).

¹⁹ Нурфош — нур сочувчи.

²⁰ Ноқил — нақл (ҳикоя) қилувчи.

КЎПАЙСИН ХОЖИНИНГ БОБОСИ МАДАЗИМБОЙ ҲАКИДА ИККИ ОҒИЗ СЎЗ

Марҳаматда бор эди Банди Мозор,
Кўп азиз жой эрди, ҳар ён сабззор.
Чор тараф боғлар билан обод эди,
Кўрган одамнинг ғами барбод эди.
Бунда анҳорлар суви жаннагмисол,
Жон ато айларди элга моҳу сол.
Мадазимбой Марҳамат бойи эди,
Ким саҳода²¹ Ҳотами Тойи эди.
Банди Мозор ичра боғи бекарон,²²
Мадазимбой дастида эрди бу он.
Ҳоким эрди ушбу вақт оқ подишо,
Чанг солиб улусга²³ чун субҳу ишо.²⁴
Мадазимбойким, саховат пешадир,
Доимо халқ фикри-ю, андешадир.
Ким Қорабоғиш ичида кўп замон,
Иззату, ҳурматда ўтди комрон.²⁵

КЎПАЙСИН ХОЖИНИНГ ДАДАСИ ШОКИР ҚАССОБ ҲАКИДА ИККИ ОҒИЗ СЎЗ

Мадазимбойга Худойи лояном,²⁶
Бир азиз фарзанд ато қилди ҳумом.²⁷
Восилий бирла ўқиб дарсу сабоқ,
Мактаб ичра эрдилар кўп иттифоқ.
Элни бошига Совет солгач алам,
Дину ислом дарслари бўлди адам.²⁸

²¹ Саҳо — саховат, ҳўли очиқлик.

²² Бекарон — чегарасиз.

²³ Улус — халқ.

²⁴ Субҳу ишо — эрталаб ва кечқурун.

²⁵ Комрон — бахтли.

²⁶ Лояном — ҳечқачон ухламайдиган Аллоҳ.

²⁷ Ҳумом — улўғвор баҳодир.

²⁸ Адам бўлмоқ — йўқ бўлмоқ.

Ушбу фарзанд номиким, Шокир эди,
 Ҳакми номи дилдаю, зокир²⁹ эди.
 Ким шугл қилди ҳалол чорпо³⁰ билан,
 Роҳи шаръни³¹ айлабон барпо билан.
 Ким салахлик³² қилди элга қон билан,
 Қон билан дема, вужуди жон билан.
 Одати доим ҳалолдан нон эди,
 Кўп азизлар уйига меҳмон эди.
 Восилий бирла эди то ҳамнафас,
 Умрини ўтказмади асло абас.³³
 Ҳақ таъоло қилди бир фарзанд ато,
 Чун Кўпайсин деб анга қилди дуо.

КЎПАЙСИН ХОЖИНИНГ ВОЛИДАСИ ХУСУСИДА

Мадазимбой соясида бемалол,
 Ўси Шокир ўғли ғамдан безавол.
 Чун йигитлик ёшига етган замон,
 Жуфтламоқ орзусига тушди шу он.
 Қумрихон номли ажиб киз бор эди,
 Ҳам фаросат, ҳам саховат ёр эди.
 Зехнига хайрон эди кизу жувон,
 Ақлига таҳсин ўқирди жумла жон.
 Ҳуснига лол эрди осмонда қуёш,
 Кўркига Ой ҳам эди рашкда одош.
 Восилийга эрди ҳешу ақрабо,³⁴
 Меҳрибону бовафо-ю дилрабо.
 Шокир уйланди анга шокир³⁵ бўлиб,
 Қўнғлида Аллоҳга чун зокир³⁶ бўлиб.
 Ушбу зотлардан Кўпайсин ёдгор,
 То бугун бокий ҳаётда барқарор.

²⁹ Зокир — зикр айтувчи.

³⁰ Чорпо — чорва ҳайвонлари.

³¹ Роҳи шаръ — шариат йўли.

³² Салах — қассоб.

³³ Абас — бекор, беҳуда.

³⁴ Ҳешу ақрабо — қариндош — уруғ.

³⁵ Шокир — шукр айтувчи.

³⁶ Зокир — Аллоҳ зикрини айтувчи.

КЎПАЙСИН ҲОЖИНИНГ ВОСИЛИЙДАН ТАМАННОСИ

Восилий даргоҳига кўйгач қадам,
Дилда борин айлади изҳор шу дам.
Деди, нечун ишларим ҳеч ўнмагай,
Толеем айтган сўзимга кўнмагай?
Не учун омад манга юз бермагай,
Не учун икбол манга сўз бермагай?
Чун барокот давлати қайда ўзи,
Не учун беркдир манга омад кўзи?
Ҳазратим, йўл кўрсатинг, чора надир?
Билдирингиз, оқ ила қора надир?
Восилий кулди, табассум айлади,
Ризк надир, анга тажассум³⁷ айлади.
Деди, тақдири азалда чун Худо,
Ризкни тақсим айлади ҳар хил адо.
Кимнидир ризкин фаровон айлади,
Бойлигин дарёйи уммон айлади.
Кимнидир ризкин жаҳонда қилди кам,
Кеча-кундуз ризкидан чеккай алам.
Баъзиларга берди Аллоҳ беҳисоб,
Деди: “Ман яшау бигайри ҳисоб”.³⁸
Лекин Аллоҳ оч-наҳор ўлдирмагай,
Ғам билан қалб уйини тўлдирмагай.
Ким агар очликдан ўлса ногаҳон,
Ҳикматин Аллоҳ билур, эй навжувон.³⁹
Восилий ҳар хил китобларни олиб,
Қанчалаб ҳикматни чун ёдга солиб.
Айлади қанча ҳикоятни баён,
Бариси ризк ҳақида эрди аён.
Восилий дедик, чун ҳар бир киши,
Ризк туфайли бўлса оғир ташвиши.

³⁷ Тажассум қилмоқ — гавдалантирмоқ.

³⁸ Аллоҳ кимни хоҳласа унинг ризқини беҳисоб қилади.
Қуръон, Оли Имрон, 37 — оят.

³⁹ Навжувон — йигит.

Туну кун Аллохга килса зорлар,
Ушбу зори кетмагай бекорлар.
Чун хадисда келди сўз, қайси одам,
Илтижо қилса Худога дамбадам.
Ризқини кенгайтурур кодир Худо,
Ризқ бобида бўлур ғамдан жудо.
Восилий қанча ҳикоят айлади,
Қанча сўзларни ривоят айлади.
Шомдан ўлтирдилар то тонггача,
Субҳи содиқда⁴⁰ азону бонггача.
Чун ўқиб бўлгач намози бомдод,
Восилий айлаб Худони дилда ёд.
Чун Кўпайсин ҳаққига қилди дуо,
Ризқини айлаб юракда мудддо.

КЎПАЙСИН ҲОЖИНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ ХУСУСИДА

Чун Кўпайсин олам ичра очди кўз,
Минг эди тарих яна тўққиз юз.
Анга жам қилсанг яна ўттиз бирин,
Билиб олгайсан таваллуд йилларин.
Бир куни Шокир ота айлаб ниёз,
Сўрди Ҳақдин ўзига бир имтиёз.
Ўйламоққа ўғлини қилди дуо,
Бир келин берса дебон Ҳақ дилрабо.
Мақсадига етди охир шод бўлиб,
Дилдаги қайғулари барбод бўлиб.
Чун Кўпайсин Ҳожиким, хуррам эди,
Бахту икболи бу кун кўркам эди.
Ҳақ таъоло қилди фарзандлар ато,
Бариси ўсди жаҳонда беҳато.
Тўрт ўғилни айлади инъом Худо,
Ҳеч бирини қилмади бадном Худо.
Икки қиз бирла яна масрур эди,

⁴⁰ Субҳи содиқ — ҳақиқий тонг.

Ҳакни лутфидин дили мағрур эди.
Ҳак таъоло қилмади оламда кам,
Чунки фарзанд бобида йўк эрди ғам.

КЎПАЙСИН ҲОЖИНИНГ БОҒ БАРПО ҚИЛИШГА КИРИШМОҒИ ХУСУСИДА

Марҳаматда бор эди Бозорбоши,
Кўп қадимий жой эрур ичу-тоши.
Ҳожи бунда истиқомат айлағай,
Истиқоматда давомат айлағай.
Ушбу қишлоқ четида бор эрди тоғ,
Тоғ тагида қир-адир, йўқдир адоғ.
Ерида тупроғи йўк, тошу шағал,
Ери сувга тўймаган ҳеч бир маҳал.
Бунда ўсғайдир факат янток тикон,
Ҳар қаён чопғай илону ҳам чаён.
Навбаҳор чиккач гиёҳлар қакрағай,
Эчкемарлар одамега сакрағай.
Бунда йўк эрди ҳаётдан бир асар,
Ғам билан тўлғай эди бокса басар.⁴¹
Неча юз йиллар ётарди жонсиз,
Ушбу ер тоғ эрди, лекин консиз.
Фойдаси йўк эрди ҳеч бир зотга,
Бу сўзим ҳожат эмас исботга.
Барча одам билғай ушбу чўлни,
Солмаган эрди бу ёнга йўлни.
Қилмади ғайрат биров ободига,
Келмади ҳатто бировнинг ёдига.

КЎПАЙСИН ҲОЖИНИНГ ИШГА КИРИШМОҒИ БАЁНИДА

Ҳожи ака чиққан бу ерга неча бор,
Ёшлигидан кўп таниш кир эрди хор.

⁴¹ Басар — кўз.

Сўнги бор чикканда афсус чекди жон,
Чун томирлар ичра қайнаб оқди қон.
Ерни тиргизмокқа ғайрат айлади,
Еру-кўк бу ишга ҳайрат айлади.
Тоғ ила тошда ўсарми бир дарахт,
Кўрган одам боши бўлди қўп карахт.
Тўрт ўғилни олди Ҳожи ёнига,
Бўлдилар оро анинг бу жонига.
Келтириб олтмиш машина тупроқ,
Солди тошлар устига кўркмай шу чок.
Келтириб эллик машина гўнг яна,
Қорди тупроқ бирла гўнгни тенг яна.
Келтириб олтмиш машина дорини,
Бир-бирига қўшди онинг борини.
Бир мингу тўққиз юзу саксон тўққиз,
Экдилар ҳар хил дарахтни қўп тиғиз.
Кеча-кундуз тинмайин жон чекди у,
Жон дема, жанг қилди-ю қон кечди у.
Кавлади тошларни, ўтқазди ниҳол,
Шунчалик чекмок азоб элда маҳол.
Ушбу меҳнат бирла бўлди қўл кадок,
Жон чиқай дерди баданан ал-фироқ.

КЎПАЙСИН ҲОЖИНИНГ КЎЧАТЛАР ЭККАНИ ВА МЕВАЛАР БИТГАНИ БАЁНИДА

Умрида сув кўрмаган қақроқ замин,
Кўрди охир бағрида сув малҳамин.
Умрида ҳеч кўрмаган кетмон надир,
Бағрига кетмон тегиб кўрди қадир.
Бел надир, ҳеч кўрмаган тоғу - шағал,
Ўзини топширди белга бу маҳал.
Болта бирла тешани қилмок хаёл,
Қақраган ерлар учун эрди маҳол.
Чўкиру, чўқморга очиб кўксини,
Кўрди ўзида жаҳоннинг аксини.
Ҳожи ака ҳар кунда кавлаб бир чукур,

“Раббано” деган дуосини ўкур.
Тош била кавлаб шағални туну-кун,
Асрабон экди ниҳолни бетугун.
Йиллар ўтди, ўсдилар бари ниҳол.
Боиси эрди ўшал меҳнат ҳалол.
Ҳар дарахтда беҳисоб эрди самар,⁴³
Чун заминга эрдилар олтин камар.
Ҳосилидин баҳраманд қарию, ёш,
Раҳмат айтиб, раҳматин қилмас одош.
Ҳожи ака халққа едирди қўл очиб,
Ўзига ҳам берди Аллох йўл очиб.

**КЎПАЙСИН ҲОЖИНИНГ УШБУ
ДОСТОН МУАЛЛИФИ
МАҲМУДХОН БИЛАН МУЛОКОТИ
ВА БОҒ САРИ ҚИЛГАН ТАКЛИФУ
ИЛТИФОТИ БАЁНИДА**

Икки минг тўрт эрди тарих, фасли ёз,
Ҳожи ака чойхонасида⁴⁴ эрди боз.
Ўргада ўтди мулокот ушбу дам,
Бир неча дўст эрди бунда жамъу жам.
Боғига таклиф қилиб ҳурмат билан,
Деди, хизмат айлайин қудрат билан.
Ҳамдамим ёнда Абдул Ғаффор эди,
Дилда Аллох, тилда истиғфор эди.
Боғ сари азм айладик бизлар учов,
Қуш каби Волга учарди беаёв.
Охири етдик ажиб бўстон сари,
Демагил бўстонки, оромистон сари.
Ҳар томон дову дарахтлар бешумор,⁴⁵
Бошни силкиб таъзим ичра барқарор.
Чун баланддан ташласанг боққа кўзинг,

⁴³ Самар — мева.

⁴⁴ Бу ерда Кўпайсин Ҳожининг Марҳамат марказида жойлашган хусусий чойхонаси ҳақида сўз кетмоқда.

⁴⁵ Бешумор — саноксиз.

Ям-яшил водийда кўргайсан ўзинг.
Чўлу қирдан йўқ нишона бунда ҳеч,
Ҳар томон обод боқсанг эрта-кеч.

БОҒ ТАЪРИФИ

ОЛМА

Олмазор ичра агар қўйсанг қадам,
Олмалар ҳиди дилинг ўртар шу дам.
Олмалар навъини чун қилсанг ҳисоб,
Чун санаб етмоқ қийиндир беҳисоб.
Юзига баргдан никоб айлаб бари,
Кўз қисиб, чорлайдилар ўзи сари.
Лоларанг ёноғила ўртар сани,
Юзидан билмай оларсан бўсани.
Олдидан кетмоққа харгиз қўймагай,
Сан анга, у санга асло тўймагай.
Тоқатинг қолмай тишинг босиб шу он,
Бўлғайсен олма била кўп жонажон.

НОКЛАР

Нок(и)зор сар(р)ини қилсанг ихтиёр,
Деявер, бўлдим жаҳонда бахтиёр.
Товланиб ноклар кўзингни оладур,
На кўзинг, балки ўзингни оладур.
Ихтиёр кетгай қўлингдан шубҳасиз,
Қайтасен ортга йўлингдан шубҳасиз.
Билмайин нокка қўлингни чўзасен,
Ўзга борлиқдан дилингни узасен.
Лаззати теккач тилингга ногаҳон,
Чун унут бўлгай санга жумла жаҳон.

ХУРМО

Ён томон қўйсанг қадамни, эй азиз,
Боғи хурмо қад кўтармиш кўп лазиз.
Терилиб шохларда хурмо сервикор,
Ўзни кўз-кўз айламиш сафда қатор.
Шунчалар ҳосил ато қилмиш Худо,
Чун саногин ҳеч киши қилмас ало.

ЎРИК

Савлатин кўз-кўз қилиб бунда ўрик,
Мевасини айламиш элга кўрик.
Новдаларда терилиб маржон мисол,
Соҳибини шод қилмиш моҳу сол,⁴⁶
Қандак ўрик оғиз ичра қанд эди,
Кўз узолмай, кўзлар анга банд эди.
Неча хил навли ўрикким, бунда бор,
Лаззати олдида қандлар шармисор.

ГИЛОС

Новдаларда осилиб гулгун гилос,
Дилда пайдо айлағай чўнг эҳтирос.
Товланар барглар аро ёкут каби.
Чун гилоснинг танига баркут каби.
Сув келиб, оғзингда кўзғайди ҳавас,
Тотмасанг ундан агар умринг абас.⁴⁷

ЁНҒОҚ

Энди ёнғокзор сари қўйгил кадам,
Ҳидидан асло кўнгилга солма ғам.
Дилда кўзғар айрича бир эҳгирос,
Пўчоғи силлик эрур мармарга хос.
Туртки берсанг тўнини ечгай шу он,
Бужмайиб кетган тани кампирсимон.
Юзига бокма, ичига кир ани,
Сени кутгай бунда лаззат хирмани.
Жуфтлашиб тургай ичида тўрт мағиз,
Хонасига сиғмайин тургай гиғиз.
Олгину оғзингда солгин бирини,
Шунда маълум айлағайсан сиррини.
Лаззати жонингга етгач ногахон,
Чун хунук юзин силарсан меҳрибон.
Ҳиди ҳам энди атирдек яйратар,
Ҳосили булбул мисоли сайратар.

⁴⁶ Моҳу сол — ой ва йил.

⁴⁷ Абас — бекор, беҳуда.

БОДОМ

Қўй қадамни энди бодом боғига,
Йўқ, бодоммас, балки илҳом боғига.
Бунда бодомлар санга илҳом берар,
Чун фақат илҳом эмас, ором берар.
Ялтирок барглар аро бодомдир,
Ҳар бири сенга қўйилган домдир.
Ҳар бирига диққат айлаб яхши боқ,
Чун тиройда хур эрур бодомқовоқ.
Ул насиб қилгай йигитга тиши бор,
Қари чолнинг у билан не иши бор.
Тиши бор ёшларга лаззат конидир,
Кони эрмас, балки танда жонидир.

ХАНДОН (ТОҒ) ПИСТА

Тоғ писта гўё дандондир,⁴⁸
Бошига урсанг ажаб хандондир.⁴⁹
Ханда бирла дил уйин хандон қилур,
Урмасанг, андомини⁵⁰ сандон⁵¹ қилур.
Воажаб, урсанг уни ханда қилар,
Ханда бирла кишини банда қилар.
Аввало жойи эди тоғда ани,
Энди бўлмиш жойлари боғда ани.⁵²
Тизилиб ўттизтаси ҳамдам экан,
Бўй чўзиб осмон сари бардам экан.
Энди ёқтирмай чўзилган тоғни,
Хоҳиш этмиш ушбу кунда боғни.
Баракат берсин анга доим Худо,
Ушбу боғдан бўлмасин асло жудо.

⁴⁸ Дандон — тиш.

⁴⁹ Хандон — кулиб турувчи.

⁵⁰ Андом — бадан, тана.

⁵¹ Сандон — қиздирилган темирга тоб берадиган асбоб.

⁵² Хандон писта авваллари Марҳамат тоғларида ўсар эди, Кўпайсин Ҳожи энди уни боққа олиб тушиб, 30 тупдан ортик ўстиришга муваффақ бўлди.

ШАФТОЛИ

Боғни бир ёни тўла шафтолидир,
Йўқ, дема шафтоли, лаззат болидир.
Юзига суртиб бари қирмиз бўёқ,
Чорлагай ўзи сари айлаб сўрок.
Бири ойдин кечадек оппоқ эди,
Чун харирдек гавдаси юмшоқ эди.
Бошқаси қирмиз мисоли лоладир,
Чун ҳаёдан лолагун киз боладир.
Қўл чўзиб, бир донасин есанг шу он,
Чанқоғингдан колмагай ному нишон.

ЖИЛОНЖИЙДА

Андин ўтсангки, жилону жийдаси,
Элни қутмоқдан кизармиш дийдаси.⁵³
Шохлари ерга эгилмиш соч каби,
Гўё дарё эди маввож⁵⁴ каби.
Бок жилонга, хоҳи кундир, хоҳи тун,
Қонга тўлмоқдан вужуди эрди хун.⁵⁵
Хун дема, тотгилки, танга қондир у,
Қон надир, балки ҳақиқий жондир у.

БОШҚА ДАРАХТЛАР

Бунда бўй чўзмиш тераклар сарвикад,
Боғ атрофига эди гўёки садд.⁵⁶
Бокқа бахш айлаб турар эрди чирой,
Посбондек бўй чўзиб, гўёки ой.
Бунда толлар соя солиб пурвикор,
Остида меҳмон кутарлар интизор.

⁵³ Дийда — қўз.

⁵⁴ Маввож — мавж урувчи.

⁵⁵ Хун — қон.

⁵⁶ Садд — қўрғон.

БОҚҚА НОМ ҚҶЙИЛИШИ ХУСУСИДА СЎЗ

Богдаким, сайру саёҳатда эдик,
Мевалар ичра фароғатда эдик.
Уч киши эрдик, дилимиз тўк эди,
Ушбу онда зарра қайғу йўк эди.
Ёнда эрди Абдуғаффор ҳамдаим,
Ҳожи ҳам ёнда эди соҳиб тамим.⁵⁷
Сўрида суҳбат қуриб шодон эдик,
Бог ҳуснини кўриб ҳайрон эдик.
Мевалардан ер эдик тўймай яна,
Қўлимиздан ер уза қўймай яна.
Тоза қаймоқ лаззатин тотиб шу он,
“Офарин” дердик Худога шу замон.
Ҳожидан сўрдим бу боғнинг номини,
Чун жавобга Ҳожи очди комини.⁵⁸
“Богимизнинг ўзи бору номи йўк,
Гўё бир уйки, онинг томи йўк!”
Мен дедим: “Бу бог ажойиб бог экан,
Ҳаммаёк дову-дарахт, япроғ экан.
Боккан одамнинг юраги шод экан,
Ғам кетиб, калби ани обод экан.
Бир ажойиб бог экан кўнгил очар,
Дилга доим шоду хуррамлик сочар.
“Дилкушо”⁵⁹ кўймоқ керакдир номини,
Айласин ёруғ юраклар шомини.
Чун Самарқанд ичра ул Соҳибкирон,⁶⁰
Қурдилар бир боғники, зеби жаҳон.
Эрди бу бог номи “Боғи дилкушо”,
Дилга ором эрди чун субҳу ашо.⁶¹
Ушбу бог бўлсин ўша богдан нишон,
Дилга ором бергучи бир дилситон.

⁵⁷ Соҳиб тамим — мукамаллик соҳиби.

⁵⁸ Ком — оғиз.

⁵⁹ Дилкушо — дилни очувчи, шодлантирувчи.

⁶⁰ Бу ерда Амир Темур ва унинг Самарқандаги “Дилкушо” боғи назарда тутилмоқда.

⁶¹ Субҳу ашо — эрталаб ва кечқурун.

Ҳожи ака бу номга рози бўлдилар,
Абдуғаффор сўзга қози бўлдилар.

СУҲБАТ ПОЁНИГА ЕТГАНИ ВА ШУ ОНДА БОШҚА БИРОДАРЛАРНИНГ БУ ЕРГА ТАШРИФ ЭТГАНИ БАЁНИДА

Охирига етди суҳбат, шу замон -
Кўзга ташланди неча дўст ногаҳон.
Бири Фатхуллоҳдир, дўсти қадим,
Чекобод Махсумидир, дўсти надим.⁶²
Андижон ичра бири эрди имом,
Исми Сайфиддин эди, дўсти хумом.⁶³
“Ғиштли масжид” ичра хизмат шеваси,
Дини исломдир анинг андешаси.
Ёнида бир зоти пок ҳам бор эди,
Қайга борса ҳамдаму, ҳам ёр эди.
Бағримиз очиб ҳама ёрлар шу он,
Юз кўришдик, соғиниб, амну амон.⁶⁴
Йўлга тушдик барчамиз ҳойхонага,
Ҳожи ака айланди чун парвонага.
Ўртага келди лаганда ош ҳам,
Қолмайин сабр уйида бардош ҳам.
Иштаҳа бирла тановул айладик,
Нафсимизни чун баковул айладик.

“ҒИШТЛИ МАСЖИД” ИМОМИ САЙФИДДИН ҲОЖИ НАСРИДДИНОВНИНГ ҲИКОЯСИ

Ўтди сўзлар орадин бир неча бор,
Ҳолу ахвол бўлди бизга ошкор.

⁶² Дўсти надим — яқин дўст.

⁶³ Дўсти хумом — улуғвор, ботир дўст.

⁶⁴ Амну амон — эсон — омон.

Мулла Аҳмаджонким, шаҳар муллосидур,
Муллалар ичра яна авлосидур.⁶⁵

Устоз эрди анга Махдум Восилий,
Восилийдан олган эрди ҳосилий.
Ҳолини бир-бир тафаҳхус⁶⁶ айладик,
Бунда йўқ ҳозир, деб афсус айладик.
Восилий номики, бунда ёд эди,
Ёди бирла дил уйи обод эди.

Сайфи Дин бошлаб ҳикоя шу замон,
Ўтмишидан воқеа қилди баён:

- Ёш эдик, пахта терардик ёшлар,
Қалбимизда ўт тўла бебошлар.

Шунда бизни қувлади нодон киши,
Қўнглимизга солди қўп армон киши.

Шунда мен қўрқиб ёмон бўлдим жуда,
Қалтираб, ранги сомон бўлдим жуда.

Қўл-оёғимдан мени кетди мадор,
Шиш пайдо бўлди танда бемадор.

Чун шифокорлар кўриб хайрон эди,
Отаю-онам эса гирён эди.

Сўнг шифокорлар деди, битмиш кун,
Ҳеч ҳаётидан умид йўқдир уни.

Сўнг отам гирён бўлиб, ғамда қолиб,
Восилийнинг олдига борди олиб.

Восилий Қуръон ўқиб, урганда дам,
Чун зимистон қалбим ичра ёнди шам.

Ушбу ҳол уч мартаба этгач давом,
Ўз кучим бирлан туриб, қилдим хиром.

Восилий бўлгач сабаб қолдим омон,
Ҳурматим беҳад эрур то бу замон.

“Маънавий Мерос” курмок муддао,

⁶⁵ Мулла Аҳмаджон Мамажон ўғли асли Марҳаматдан бўлиб, ҳозирда Андижонда яшайди. Устози Восилий учун қурила — ётган “Маънавий мерос маркази” га катта ёрдам кўрсатишни ўз бўйнига олган.

У ҳақда қуйида яна сўз кетади.

⁶⁶ Тафаҳхус — текширмақ, сўраб — суриштирмақ.

Бўлса, мен ҳам хизматим қилгум адо.
Ғишт керакми, ё темирдир ёки тош,
Барчасига доимо шайдир бу бош.
Сайфи Дин ҳожи билан қилгач хайр,
“Маънавий Мерос” сари бўлди сайр.

САЙФИДДИН ХОЖИНИНГ УСТОЗИ МУЛЛА АҲМАДЖОН ҲОЖИ ЗИКРИДА

Мулла Аҳмадҷонким, ажойиб зот эрур,
Сўз аро ёлғон анга чун ёт эрур.
Восилий устозидан таълим олиб,
Илму ирфонни юрагига солиб.
Нечаларни қорийи қурро⁶⁷ қилиб,
Нечалаларни олиму мулло қилиб.
Андиҷон ичра муқийм эрди мулом,
Ҳақ таъоло зикрида айлаб калом.
Ёшлигидан бирга ўсган ёр эди,
Барча ислом аҳлига ғамхўр эди.
Молу жони бирла айлаб эҳтимом,⁶⁸
Восилий “Мерос” и деб ишда мулом.
Нечалаб шогирдлари ҳар ёнда бор,
Бари устоздан қилурлар ифтихор.
Мулла Сайфиддин эрур шогирди жон,
Илму ирфон бобида кўп хурдадон.⁶⁹
Барини Аллоҳ саломат айласин,
Бахту иқболни қаромат айласин.

⁶⁷ Қорийи қурро — қориларнинг қориси.

⁶⁸ Эҳтимом — ҳиммат кўрсатиш, ҳаракатда бўлиш.

⁶⁹ Хурдадон — доно, билимдон.

**МУАРРИХ ОЛИМ САЙФИДДИН⁷⁰
ҲОЖИ ЖАЛИЛОВНИНГ КЎПАЙСИН
ҲОЖИ БИЛАН УСТОЗ-ШОГИРД БЎЛГАНИ
ВА МАЗКУР ЧОЙХОНАГА КЕЛГАНИ
БАЁНИДА**

Ҳожи Сайфиддинки, чун тохир⁷¹ эди,

Илми тарих бобида мохир эди.

Ёздилар канча китоби босафо,

Сўзида доим эди сидку вафо.

Барча бобда доимо собир⁷² эди,

Севгани олам аро Бобир эди.

Ёздилар Бобир ҳақида кўп китоб,

Навжувон ёшлар учун хуршиди тоб.⁷³

Илми тарих бобида устоздир,

Ушбу бобда барчадан мумтоздир.

Чун Кўпайсин Ҳожига дўсти кадийм,

Орада бўлмас муҳаббатлар адийм.⁷⁴

Неча кун аввал бу ерда бор эди,

Сухбати бирла кўнгилга ёр эди.

Аҳди маҳкам, ваъда каттиқ, мард эрур,

Восилий “Мерос” ига ҳамдард эрур.

“Дилкушо” боғини айлаб мухтарам,

Неча бор кўйган эди анга кадам.

Ушбу бокка доимо мойил эди,

Кўнгли доим боғ учун сойил⁷⁵ эди.

Эсладик дилдан азиз устозни,

Дўсту ёрлик бобида мумтозни.

⁷⁰ Сайфиддин, ҳожи Жалилов Андижон Давлат Университетининг фахрий профессори, Ўзбекистон тарихчилари жамиятининг Андижон вилояти бўлими бошлиғи, шарқшунос олим. Бобур ҳақида ёзилган йирик монография ҳамда кўплаб рисола ва мақолалар муаллифи. Кўпайсин ҳожи Андижон Давлат педагогика институтида ўқиб юрганида у устоз ва дўст бўлган.

⁷¹ Тохир -- покиза, покдоман.

⁷² Собир -- сабр қилувчи.

⁷³ Хуршиди тоб -- нур сочувчи қуёш.

⁷⁴ Адийм бўлмас -- йўқ бўлмас.

⁷⁵ Соил -- оқувчи, мойил бўлувчи.

**КЎПАЙСИН ХОЖИНИНГ ОТА
КАСБИНИ ЭЪЗОЗЛАБ ҚЎЙЛАР
ПАРВАРИШ ҚИЛГАНИ ВА
ДЎСТЛАРНИ ҚЎЙХОНАГА
ТАКЛИФ ЭТГАНИ БАЁНИДА**

Ҳожиким, Ҳақ шукрини айлаб бажо,
Кеча-кундуз айлар эрди илтижо.
Ризқини Ҳақдан талаб айлаб мудом,
Ким, ҳалол меҳнатга қилди эҳтимом.
Неча ўнлаб қўй эди Қўйхонада,
Ҳожи эрди барига парвонада.
Ким, ҳадисга айлабон доим амал,
Вақтида овқатни бергай ҳар маҳал.
Бўй чўзиб қўйлар мисоли нортуя,
Тору-танглик айлагай гоҳо уя.
Ёғу гўштга лик тўлиб бори тани,
Кел, сўйиб айла тановул, дер, мани.
Ҳар бири савлатда гўё шер эди,
Иштаҳа карнай, «таом бер» дер эди.
Бир-бирига кўз сузиб соғу-омон,
Гоҳида куч ҳам синаб қўйгай ёмон.
«Қўйда бордир барака» дебмиш Расул,
Ҳожига берсин Худо шундай ҳусул.
Кафти абридин ёғиб борони дур,
Ёру дўстлар бирла топсин қўп ҳузур!

**КЎПАЙСИН ХОЖИНИНГ «ИССИҚХОНА»-
ДА ЁШЛИК МЕВАЛАРИНИ ЎСТИРГАНИ
ВА ДЎСТЛАРГА УНДАН ҲАДЯ ҚИЛИБ,
МАМНУН ЭТГАНИ БАЁНИДА**

Таклиф қилиб бизни Кўпайсин Ҳожи,
Лимузор боғининг бўлдик гултожи.⁷⁵
«Иссиқхона» ичра боғ қилиб барпо,
Лимулар танига кийдирмиш сарпо.
Лиму дарахтлари бўй чўзиб бунда,
Лиму мевасини пишпирар кунда.
Гуп этиб бурунга урилар иси,
Одамнинг келмайди бундан чиққиси.
Саргайиб, етилиб пишган ҳар лимон,
Одамни чорлайди ўзига томон.
Лимон сари солар шу онда йўлни,
Ўзи билмай одам узатар кўлни.
Кўпайсин Ҳожиким, боқаркан шодон,
Лабида табассум, юзлари хандон.
Бу улуғ меҳнатдан қувонар кўзи,
Юраги хотиржам, шириндир сўзи.
Қани, хоҳлаганча олаверинг,-дер,
Чўнтакка сиққанча солаверинг,-дер.
Пичоқни беради қўлларга шу он,
Дейди, лимонларим сизга армуғон.
Бу ёшлик меваси, ёшлик меваси,
Ёшликка етади еса эгаси.
Ёшликни одамга қайтарар лимон,
Яхши ният билан егани замон.
Кўпайсин Ҳожи ака лимон ўстирар,
Демак кексаликнинг йўлини тўстирар.
Демак эл дардига дармон қилади,
Емаган лимондан армон қилади.

⁷⁵ Ёшлиқдан бирга ўсган синфдош дўстим Исроилжон Мамарасулов билан ҳожининг қўйхона ва иссиқхонасини тамоша қилдик.

ВОСИЛИЙ “МАЪНАВИЙ МЕРОСИ”- НИНГ БУНЁДИ ҲАҚИДА СЎЗ

Восилийким, олим эрди номдор,
Қолдириб эрди асарлар ёдсёр.
Чун ўзи ижод қилган хонадон,
Ҳовлиси ичра бино бўлса дебон,
“Маънавий Мерос” кўйибон отини,
Элга берсак деб илмнинг тотини.
Кеча-кундуз саъйу кўшишда эдик,
Ҳиссамизни анга қўшишда эдик.
Чун туман хокими Қозимжон эди.
Ушбу иш бизга шарафу-шон, деди.
Чун жамоа хожаси шердек эди,
Ишлари гўё Алишердек эди.
Қўл очиб бир ёнда Аъзамжон ака,⁷⁶
Ишимизга чун тилайдир барака.
Кўп улуг инсон Раҳмонберди⁷⁷ ҳам,
Ҳимматини қилмади бизларга кам.
“Марҳамат илҳомлари” н нашр айлади,
Қанча одам ёдини ҳашр⁷⁸ айлади.
Восилий “Мерос” ига айлаб қадам,
Биз билан ҳамдам эдилар барча дам.
Чун Исоқжон Ҳожи⁷⁹ ҳам гайратдадир,
Белни маҳкам боғлабон ҳимматдадир.
Абдуғани Сўфиким,⁸⁰ неча терак,
Ваъда килди, уй учун доим керак.

⁷⁶ Аъзамжон Ҳусанов — мазкур сатрлар муаллифининг амакиваччаси.

⁷⁷ Раҳмонберди Ҳудойбердиев туман “Нуроний” жамғар — масининг раиси, Восилийнинг “Марҳамат илҳомлари” китобини чиқаришда ташаббус кўрсатган. Восилий “Мерос Маркази”ни ташкил этишда ҳам жонбозлик кўрсатмоқда.

⁷⁸ Ҳашр этмоқ — қўзғотмоқ, ёймоқ.

⁷⁹ Исоқжон Ҳожи — мазкур сатрлар муаллифининг амакиваччаси.

⁸⁰ Абдуғани Сўфи — Восилийнинг шогирди, мазкур сатрлар муаллифининг қадрдон биродари.

САХОВАТ СОҲИБИ ҚУРОНБОЙ АКАНИНГ ИЛТИФОТИ ВА МУАЛЛИФНИНГ У ҲАҚДАГИ АБЁТИ

Бил Қуронбой маскани Шомат эди,
Қалби поку, ўзи хуш комат эди.
Чун саховат бобида абри баҳор,⁸¹
Кафтидан ёққай ато лайлу наҳор.⁸²
Восилийга эътиқоди бор эди,
Хайру эҳсон бирла донм ёр эди.
Восилийга меҳрини айлаб аён,
Айлар эрди яхши сўзларни баён.
Уйига таклиф қилиб шому саҳар,
Меҳрини изҳор этарди сарбасар.
Восилийга ҳар киши авлод эди,
Шу Қуронбойдан анга имдод⁸³ эди.
Яхши хулку, хислатига чун Худо,
Не тилак қилса, ани қилди бажо.
Берди Аллоҳ давлат анга беқиёс,
Қўнглида йўқдир ани бийму ҳарос.⁸⁴
Ёнида бордир ширин фарзандлари,
Ақлу ҳушда соҳиби дилбандлари.
Абдугаффор бирла бордик ёнига,
Айланиб қолдик азиз меҳмонига.
Восилий “Маркази” дан топгач хабар,
Шод қилди қўнглини бу хушхабар.
Бил Қуронбой⁸⁵ берди бир тонна семун,
Яхши ишга айлади чун раҳнамун.⁸⁶
Бошқа бойларким, бу ерда бор эди,
Камбағал, бечоралардин хор эди.

⁸¹ Абри баҳор — баҳор булути.

⁸² Лайлу наҳор — кеча ва кундуз.

⁸³ Имдод — мадад, ёрдам.

⁸⁴ Бийму ҳарос — хавф ва қўрқинч.

⁸⁵ Қуронбой ака — моҳир тадбиркор, Восилий ва унинг ўғли Абдулхайнинг муҳлиси, Марҳаматдаги гишт заводи соҳиби.

⁸⁶ Раҳнамун — Қуронбой ака кейин яна 3000 та пишиқ гишт инъом қилди.

Ваъда айлаб пулу, молни барчаси,
Иш пайтида бекилди дарчаси.

БОШҚА ОЛИЙҲИММАТ БИРОДАРЛАР БАЁНИДА

Мулла Аҳмаджонки,⁸⁷ кўп олий экан,
Сўзи ёлғондин мудом холий экан.
Арматура берди у беш юз метр,
Пойдевор қилмоққа албат етур.
Ғишту эшик, дераза бари бу он,
Гарданимга, деди бу зот меҳрибон.
Чун Кўпайсин Ҳожиким, ҳам бой эди,
Ул саховат бобида чун сой эди.
Берди бир тонна семун бизга текин,
Деди, ёрдам айла, айман мен секин.
Чун Муҳаммадхонким,⁸⁸ акадир бовафо,
Ишлари доим дуо, сидку сафо.
Кўшнимизнинг бири Исроил эди,
Яхши хизмат сарига мойил эди.
Чун Муҳаммад Юсуф эрди бирлари,
Ким савоб ишлар учун моҳирлари.
Ҳам Шаҳобуддин қилиб ўзни фидо,
Кучни сарф этмоқни қилди муддао.
Чун жияннинг бири Орифхон эди,
Ул ҳалол меҳнатга қалби қон эди.
Чун Муҳаммад Ҳофизи мулло бири,
Илми шаръга моҳиру тилло бири.
Чун Умаржон кўшни гўё шер эди,
Қанча хизмат бўлса мен шай дер эди.
Ҳаммаҳалла кўшникарким, бордир,
Барчаси ёрдам учун тайёрдир.
Барини олсин паноҳига Худо,
Қилмасин иқболидан асло жудо!

⁸⁷ Мулла Аҳмаджоннинг зикри юқорида алоҳида бўлган ўтди.

⁸⁸ Муҳаммадхон Ҳасанов — ушбу сатрлағ муаллифининг акаси.

**КУПАЙСИН ХОЖИНИНГ
ВОСИЛИЙ “МЕРОС МАРКАЗИ” ГА
БОРГАНИ ВА УЛУҒ ВАЪДАЛАР
БЕРГАНИ ҲАҚИДА**

Абдуғаффору Кўпайсин ушбу он,
Восилий “Маркази” га бўлди раван.
Восилий хужрасига қўйгач кадам,
Ўқидик Қуръон руҳига ушбу дам.
Сўнг туриб ўтди секин ҳовли томон,
Чун бино тарҳига кўз солди шу он.
Чун эди икки қават тарҳи бино,
Ўндан ортик ҳоналар анда бино.
Кўп оғир эрди ани бизга қуриш,
Кеча-кундуз ортидан тинмай юриш.
Ҳафсала бўлган эди кўп беқарор,
Бир қават қурмокни қилди ихтиёр.
Чун Кўпайсин Ҳожиким, билгач буни,
Тунга айланди шу фурсатда куни.
Деди, бундай қилмангизлар зинҳор,
Чун қўмак қилгай ўзи Парвардигор.
Ушбу йил камроқ менинг молу пулим,
Сўнгги йил деса Худойим, ол қулим.
Бу бино ярмин ўзим қурмокчман,
Сўнг қувониб, фахр этиб юрмокчман.

ХОТИМА

Чун Кўпайсин Ҳожиким, мардон эди,
Ваъдаси мустаҳкаму сандон эди.
Бизга боис бўлди “Боғи дилкушо”,
Иртибоглар⁸⁹ ошди субҳу ҳам ишо.⁹⁰
“Дилкушо” боғин кушода айласин,
Мевасини шода-шода айласин.
Сохиби бўлсин жаҳон ичра амон,
Асрасин Аллоҳ кўзлардин ёмон.
“Дилкушо” боғига кирган бор бўлсин,
Шоду хуррамлик дилига ёр бўлсин.
Яхшиларни, Махмудо, ёд айладинг,
Номларини тутдингу шод айладинг.
Бўлмасин оламда ёзувинг хароб,
Барчага етсин китобингдан савоб.
Юз шукр, топди китобим ихтитом,⁹²
Рўзи жумъа эрдик, қилдим тамом.
Сентиебр ойи ўн етти эди,
Бу ёзув поёнига етти, деди.
Икки минг тўртинчи йил эрди йили,
Сўзламокдин тўхтади ҳисма⁹³ тили.
Барчани Аллоҳ амонда сақласин,
Туну кун барча замонда сақласин.
Ўқиган бўлсин дуода бардавом,
Барчани Аллоҳ кечирсин, вассалом.

Тошкент, 2004 йил.

⁸⁹ Иртибот — дўстона алоқалар.

⁹⁰ Субҳу иш — эрталаб ва кечқурун.

⁹¹ Ихтитом тоғмоқ — хатм бўлмоқ, тугамоқ.

⁹² Хома — қалам.

МУНДАРИЖА

Мухаррирдан.....	3
Муножот ба даргоҳи қозий ул-ҳожот.....	6
Наъти Расулulloх (с. а. в.).....	6
Алқоби чаҳорёри изом.....	7
Пири равшанзамир Маҳдум Восилий зикри.....	8
Кўпайсин Ҳожининг Восилий билан мулоқоти.....	9
Кўпайсин Ҳожининг бобоси Мадазимбой ҳақида икки огиз сўз.....	10
Кўпайсин Ҳожининг ладаси Шокир қассоб ҳақида икки огиз сўз.....	10
Кўпайсин Ҳожининг волидаси хусусида.....	11
Кўпайсин Ҳожининг Восилийдан таманноси.....	12
Кўпайсин Ҳожининг фарзандлари хусусида.....	13
Кўпайсин Ҳожининг боғ барпо килишга киришмоғи хусусида.....	14
Кўпайсин Ҳожининг ишга киришмоғи баёнида.....	15
Кўпайсин Ҳожининг кўчатлар эккани ва мевалар битгани баёнида.....	15
Кўпайсин Ҳожининг ушбу дoston муаллифи Маҳмудхон билан мулоқоти ва боғ сари килган таклифу илтифоти баёнида.....	17
Боғ таърифи.....	18
Бокқа ном кўйилиши хусусида сўз.....	22
Сухбат поёнига етгани ва шу онда бошқа биродарларнинг бу ерга ташриф этгани баёнида.....	23
“Ғиштли Масжид” имоми Сайфиддин Ҳожи Насриддиновнинг ҳикояси.....	24
Сайфиддин Ҳожининг устоzi мулла Аҳмаджон Ҳожи зикрида.....	25
Муаррих олим Сайфиддин Ҳожи Жалиловнинг Кўпайсин Ҳожи билан устоз-шогирд бўлгани ва мазкур чойхонага келгани баёнида.....	26

Кўпайсин Ҳожининг ота касбини эъзозлаб кўйлар парвариш қилгани ва дўстларни кўйхонага таклиф этгани баёнида.....	27
Кўпайсин Ҳожининг иссиқхонада ёшлик меваларини ўстиргани ва дўстларга ундан ҳадя қилиб, мамнун этгани баёнида	27
Восилий “Маънавий Мероси” нинг бунёди ҳақида сўз.....	28
Саховат соҳиби Қуронбой аканинг илтифоти ва муаллифнинг у ҳақдаги аёти.....	29
Бошқа олийҳиммат биродарлар баёнида	30
Кўпайсин Ҳожининг Восилий “Мерос Маркази”га боргани ва улуғ ваъдалар бергани ҳақида.....	31
Хотима.....	33

Адабий - маърифий нашр
Махмуд Хасаний

ДИЛКУШО БОҒИ

Мухаррир – Мавжуда Раззокова
Техник муҳаррир – Баходир Ғуломов
Мусахҳих – Маҳмуджон Абдуллаев

Босишга рухсат этилди 17/01/2006 йил
Босма табағи шартли 6, алади 500 нусха
«Ёш куч» тарғибот маркази қошидаги кичик босмахонада чоп этилди.
Манзил: Андижон шаҳри, Истиклол кўчаси 9-уй.
Буюртма № 9. Бичими 84х108/32.